

Ал-Азкор / Ал-Азкор / 259-ҳадис

* روينا في سنن أبي داود والترمذي وابن السني وغيرها، عن عمرو بن شعيب عن أبيه عن جده أن رسول الله صلى الله عليه وسلم كان يعلمهم من الفرع كلمات: "أعوذ بكلمات الله التامة من غضبه وشر عباده، ومن همزات الشياطين وأن يحضرون".

قال: وكان عبد الله بن عمرو يعلمهن من عقل من بنيه، ومن لم يعقل كتبه فعلقه عليه.

قال الترمذي: حديث حسن.

259/1. Амр ибн Шуайб оталаридан, оталари боболаридан ривоят қиладилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйқусида қўрққанларга:

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَشَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَحْضُرُونِ

«Аъзу бикалиматиллаҳит таммаҳ мин ғозобиҳи ва шарри ъибадиҳи ва мин ҳамазатиш шайатийни ва ан йаҳзуруни», деб айтишни ўргатардилар.

(Маъноси: Аллоҳнинг мукаммал калималари билан Унинг ғазабидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтон ҳозир бўлиб, васваса қилишидан паноҳ тилайман.)

Абу Довуд, Термизий ва Ибн Сунний ва бошқалар ривояти.

Абдуллоҳ ибн Амр шу дуони ақли кирган болаларига ўргатар эди. Агар ақли кирмаган бўлса, уни ёзиб бўйнига осиб қўярди.

* وفي رواية ابن السني: "جاء رجل إلى النبي صلى الله عليه وسلم فشكا أنه

يفزع في منامه، فقال رسول الله صلى الله عليه وسلم: "إذا أويت إلى فراشك فقل: أعوذ بكلمات الله التامة من غضبه ومن شره عباده، ومن همزات الشياطين وأن يحضرون"، فقلها فذهب عنه.

Ибн Сунний ривоятида келтирилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бир киши келиб, уйқусида қўрқиши ҳақида айтди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Қачон тўшагингга ётсанг:

أَعُوذُ بِكَلِمَاتِ اللَّهِ التَّامَّةِ مِنْ غَضَبِهِ وَمِنْ شَرِّ عِبَادِهِ وَمِنْ هَمَزَاتِ الشَّيَاطِينِ وَأَنْ يَحْضُرُونِ

«Абузу бикалиматиллаҳит таммаҳ мин ғозобиҳи ва мин шарри ъбадиҳи ва мин ҳамазатиш шайатийни ва ан йаҳзуруни», деб айт", дедилар. У киши мана шу калималарни айтган эди, ундан қўрқинч ариди.

(Маъноси: Аллоҳнинг мукамал калималари билан Унинг ғазабидан, бандаларининг ёмонлигидан, шайтон ҳозир бўлиб, васваса қилишидан паноҳ тилайман.)

Манба: hadis.islom.uz

